

Тошматов Аббос Юсуп ўғли: *“Марказий банк томонидан банк тизимининг ликвидлигини тартибга солиш тизимини ривожлантириш йўллари”*. (5A230701-“Банк иши (пул муомаласи ва кредит бўйича)”).

Илмий раҳбар: проф. Каримов Ф.

Тадқиқотнинг мақсади. Тижорат банкларида ликвидликни тартибга солишнинг самарали тизимини жорий этиш орқали банк барқарорлигини таъминлаш, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини мамлакатимиз банк тизимига татбиқ этиш орқали илмий хулоса ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

- банк ликвидлиги ва барқарорлиги юзасидан назарий қарашларни ўрганиш, уларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларни аниқлаш;

- тижорат банклари ликвидлиги ва барқарорлигини ўзгариш тенденцияларини баҳолаш;

- республикаimiz тижорат банклари ликвидлигини комплекс таҳлил қилиш ва мавжуд камчиликларни аниқлаш;

- тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш ва мамлакатимиз банк тизимига жорий қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- мамлакатимиз тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш ва барқарорлигини таъминлашни такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.